

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЖАББОРОВА МАТЛУБА РУСТАМОВНА**

**ХАЛҚ ҚИССАЛАРИДА АНЬАНА ВА  
ЎЗИГА ХОСЛИК**  
*халқ китоби “Қиссаи Жамиид” мисолида*

*Монография*

**Тошкент  
“Innovatsiya-Ziyo”  
2020**

УДК УзФ  
ББК 82.3(5Уз)  
Ж 13

**Жабборова Матлуба Рустамовна**  
**Халқ қиссаларида анъана ва ўзига хослик (халқ китоби**  
**“Қиссаи Жамиид” мисолида)/ монография/. - Тошкент:**  
**“Innovatsiya-Ziyo”, 2020, 146 б.**

*Монографияда Шарқий адабиётида анъанавий Жамиид образининг пайдо бўлиши – генезиси, тадрижий такомили, илмий ҳамда бадиий адабиётдаги тараққиёти, шаклланиши жараёнлари ўрганилган. Китоб кенг илм-адаб аҳлига мўлжалланган.*

Масъул муҳаррир  
**Ҳамиджон Ҳомидий**  
Филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:  
**Жасур Маҳмудов**  
Филология фанлари номзоди, доцент  
**Марғуба Абдуллаева**  
Филология фанлари номзоди, доцент

*Монография Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-техник Кенгашининг 2020 йил 24 октябридаги 4-сонли мажлиси баённомаси билан нашрга тавсия этилган.*

ISBN 978-9943-6216-0-2

© Жабборова М., 2020.  
© “Innovatsiya-Ziyo”, 2020.

## МУҚАДДИМА

Халқ қиссаларида бадиий адабиётнинг анъанавий сюжетлари билан бир қаторда халқ оғзаки ижодининг тилларда достон, эл орасида машхур бўлган қаҳрамонларини учратиш мумкин. Тадрижий жиҳатдан кузатганда, халқ ижодиёти ҳамда ёзма жанрларнинг бирикуви халқ қиссаларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Бундай қиссаларнинг ёзма варианти, одатда, илмий адабиётларда “халқ китоблари” номи билан юритилади.

Халқ қиссаларининг яратилиши ҳам муайян тарихга эга. Масалан, “шоирлар халқ ижодидаги тайёр сюжет ва қаҳрамонлар саргузаштини ўз ижодий лабораторияларида қайта ишлаганлар, уларга тарихий шароитнинг талаб ва эҳтиёжлари тақозо қилган айrim ўзгартиришларни киритиб, бадиий жиҳатдан сайқал бериб, уларни ёзма адабиёт намуналарига айлантирганлар.”<sup>1</sup> Шундай қилиб, халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиётга хос хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган оригинал бадиий асарлар майдонга келган ва улар халққа манзур китоблар бўлиб қолган.

Хусусан, “Шоҳнома” қаҳрамонлари ўзбек халқи орасида кенг шуҳрат қозониб, улардан айримлари ўзбек халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётида ижодий қайта ишланди.<sup>2</sup> “Қиссаи Жамшид” асари ана шундай анъанавий сюжет ва образни қайта ишлаш асосида яратилган халқ ижоди намунасиdir. Ушбу асарнинг оғзаки ва ёзма вариантлари ўз даврида эл орасида жуда машхур бўлган. Одамлар маҳалла-ю гузарларда йиғилиб қиссанлик кечалари ташкил этишган ва ўзбек халқ қиссалари қатори Жамшид қиссасини ҳам мутолаа этишган.

Ўтмишда эпик асарларни халққа етказувчилар қаторида қиссанклар машхур бўлган. Қиссанклар халқ достонларининг қайта ишланган нусхаларини, қизиқарли таржима ҳикояларни, классик адабиёт намуналаридан “фольклорлаштирилган” варианtlарини, турли хил жангномаларни чойхоналарда, ҳар хил йиғинларда ёдаки ёки қўл ёзма ва босма матн асосида ўзларига хос оҳангда ўқиганлар.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. 2-китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б 55.

<sup>2</sup> Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. 1-китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1965. – Б 122.

<sup>3</sup> Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1980. – Б 192.

Қиссаларнинг оғзаки варианларини пайдо бўлиши, хатсаводи бўлмаган одамлар учун айни муддао бўлган. Бундан ташқари ҳалқ орасида эртакчилар, достон айтувчи бахшилар, қиссаҳонлар, ровийлар ҳам бўлганки, улар ҳам маълум даражада оғзаки ижод намуналарининг сақланиб қолинишига ҳисса қўшганлар. Қиссаларнинг оғзаки варианлари ҳам яратилиб, магнит тасмаларига муҳрланганлиги бунинг исботидир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёти институтининг “Фольклор архиви”да қиссагўйлар, бахшилар томонидан айтилган ва магнит тасмаларига муҳрланган ҳалқ китобларининг оғзаки варианлари ҳам сақланади.

Шунингдек, Н.Маллаевнинг ҳалқ китобларини ўрганиш фольклоршунослик ва адабиётшунослик учун муҳим илмий қимматга эга эканлигини, В.Абдуллаевнинг ҳалқ қиссалари “икки ижод боғининг меваси” сифатида адабиётшунослик ва фольклоршуносликнинг муҳим ўрганиш обьекти бўла олиши ҳақидаги тавсиялари ва Т.Мирзаевнинг ҳалқ китобларини адабиёт тарихи нуқтаи назаридан ўрганиш зарурати юзасидан қайд этган фикрларини инобатга олиб, мазкур ишни ўрганишга бел боғладик.

Миллий адабиётимизнинг ғоявий, адабий-эстетик оламини янгича нуқтаи назар билан тадқиқ этиш зарурати бугунги кунда қадимий, маънавий меросимиз бўлган ҳалқ қиссаларининг бир намунаси “Қиссаи Жамшид”ни ўрганиш, қиссадаги анъана ва ўзига хослик, ундаги бош қаҳрамон Жамшид образининг генезиси, мазкур образнинг ўзбек мумтоз адабиётидан ҳалқ қиссасига кириб бориши, унинг тарихий шаклланиши ва бадиий талқинини аниқлаш каби масалаларни юзага келтирди. Зеро, Жамшид образи ҳақида ўзбек ҳалқ китоби “Қиссаи Жамшид”нинг қўлёзма, тошбосма ва ҳалқ оғзаки варианларининг мавжудлигига қарамай, асар маҳсус ўрганилмаган.

# I БОБ. ЖАМШИД ОБРАЗИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ОМИЛЛАР

## Жамшид образининг “Авесто” ҳамда қадимги мифлардаги талқини

Турон ва Эрон халқлари адабиёти тарихи қадимдан умумий манбалардан озиқланиб, ривожланиб келган. Шу сабабли Шарқ халқлари адабиётидаги анъанавий образларнинг келиб чиқиш илдизлари бир манбага бориб тақалади. Шарқ адабиётидаги анъанавий сюжет ва образларнинг илдизини “Авесто”дан излаш мумкин. Хусусан, бадиий адабиётдаги Жамшид образи ҳақидаги дастлабки маълумотлар илк бор мазкур манбада қайд этилган ва кейинчалик оғзаки ҳамда ёзма манбаларга кўчган. Қадимги Эрон манбаларида ҳам Жамшид номига алоҳида урғу берилади. Манбаларда Жамшид номи Йима ёки Яма шаклида учрайди. Чет эл олимларининг тарих, маданият, адабиёт, социология соҳалари бўйича қилинган тадқиқотларида “Авесто”даги Жамшид фаолияти бевосита қаҳрамон номининг этимологик маъносиға боғлаб таҳлил этилади. Эътиборли жиҳати шундаки, барча тадқиқотларда Жамшид ҳақидаги илк маълумотлар “Авесто”дан бошланган ва сўнг халқ оғзаки ижоди орқали ривожланганлиги қайд этилган.

*Жамшид – Йима номининг этимологияси.* “Авесто”да Жамшид номи “Йима Хшайатийа” шаклида қайд этилган ва у “ёруғлик” деган маънони билдиради. Жамшид сўзи икки қисмдан иборат ҳамда “Жам” жамлик, жамланган маънода; “Шид” ёрқин, порлаб турувчи, ёруғлик сўзидан келиб чиқкан<sup>4</sup>.

Йима – Жамшид ҳақидаги дастлабки қарашлар эркак ва аёл ўртасидаги илк муносабатлар билан боғлиқ равишда пайдо бўлган. Илк яралиш ҳақидаги мифларнинг эгизаклар ўртасидаги қўшилиш билан боғланиши Ригведадаги Яма ва Ями ҳақидаги миф билан далилланади. Тадқиқотчи Н.Козлова фикрича, “Йима” номининг пайдо бўлиш тарихи қуйидагича: “Йима” сўзининг ўзаги қадимги ҳиндча исм бўлиб, бу эгизаклар тўғрисидаги мифларда акс этган. Мазкур ҳодиса “Жам” сўзининг этимологик

<sup>4</sup> Ouseley W., Efq. Epitome of the ancient history of Persia. Extracted and translated from the “Jehan Ara”. – London, 1799. – P. 7.

маъноси билан боғлиқ. “Латища “жумт”, яъни “том ёпмок” ва “жумис” – “иккиланган ҳомила” сўзлари рус тилидаги “покрыт” сўзига жуда яқин. Чунки бу сўзнинг рус тилидаги эквиваленти эротик символика бўлиб, уруғлантирмоқ, оталантирмоқ маъноларига ҳам эга. Покрова байрамида айтиладиган мурожаат қўшиғи айнан шунга бориб тақалади: “Ери қор билан қопла, мени хотин билан” (Покрой землю снежком, а меня – женишком). Мазкур байрамдан бошлаб тўйлар бошланган<sup>5</sup>. Демак инсонлар тасаввуридаги дастлабки никоҳ, тўй ва эр-хотинлик муносабатлари қадимги Йима номи билан боғланади ва Йима инсонлар тасаввуридаги илк яратилиш мотиви билан боғлиқ образ сифатида ривожланади. Натижада Йима ёки Яма дастлабки яратилган эгизак ва унинг синглиси Йамака ёки Ями билан бўлган муносабати – эр-хотинлик ўртасидаги *дастлабки муносабат* деб баҳоланади.

Эгизаклик ва инцестлик мавзусини ҳинд мифларида келтирилган ака-сингил – эгизаклар Яма ва унинг синглиси Ями бошлаб беради. Умумевропадаги “эгизак” номи, яъни “iemo” сўзининг келиб чиқиши қуйидагича: қадимги ислом мифологиясида биринчи одам – Ймир (Imir), яъни ирландча “e(a)-main” – “эгизак”; финдча “eamna” – “уч эгизак Фин” – “уч ака-сингиллар” маъносини билдиради ва синглиси уларни ўзи билан жинсий муносабатга киришишга кўндирган. Шунингдек, бу каби ўхшаш мотивларни ўрта эрон солномаларида Йима ва унинг синглиси Йимакнинг никоҳ қурганида ҳам кўриш мумкин. Унга кўра ака-сингил ўртасидаги никоҳ – зардуштийларнинг никоҳларига андоза бўлган. Қадимги ехетликларда Кониса қироличасининг 30 ўғли ўз эгизаклари 30 сингиллари билан никоҳ қурганликлари тўғрисидаги маълумотлар бор ва буларнинг барчаси Йима қахрамонига бориб тақалади<sup>6</sup>. Мазкур далиллар Жамшид образининг кейинги даврлардаги анъанавий қиёфаси қандай пайдо бўлгани, қай тарзда шаклланиб боргани ҳақида мулоҳаза билдириш учун асос бўлади.

Жамшид номи билан боғлиқ изоҳларда яна шундай қарашибам мавжуд: “Йима Хшайатийа”нинг биринчи қисми Йима

<sup>5</sup>Козлова Н.К. Восточнославянские мифологические рассказы о змеях. Систематика. Исследование.

Тексты: дисс. докт. филол. н. – Москва, 2007. – С. 71.

<sup>6</sup>Козлова Н.К. Кўрсатилган асар, 2007. – С. 70.

“жуфт”, “эгизак” ва Хшайатийа қадимги умумхинд – Европада “куёш” деган маънони англатади, шу боисдан Жамшид қуёшнинг эгизаги деб талқин этилади<sup>7</sup>. Эронлик олим А.Исмоилпурнинг изоҳлашича, “Жамшид аслида қуёш наслидан бўлиб, нур ва ёруғлик билан боғлиқдир. “Веда”ларда илк инсон бўлмиш Яма шаклида тасвирланган ва у синглиси Ями билан биргаликда биринчи эркак ва аёлни ташкил этишади<sup>8</sup>.

Рус олимаси И.Лобанкова Жамшид номининг келиб чикиш этимологиясини бир тизимга солиб таҳлил этади. “Орияларнинг эрон-орийлар анъанасига кўра биринчи подшоҳ; хинд-орияликларнинг анъанасига кўра эса ўлувчиларнинг биринчи подшоҳининг номи – *Йима* дейилади. Бу сўз фин тилидаги *Йумала* – худо, коми *Йома* – касаллик ва ўлим тарқатувчи иблис (кати *Имро*, ашкун *Имра*, прасун *Йумра* – худо, кумауни *Жуйра* – ўлим, маратхи *Жавра* – қабристонлар иблиси) каби номлардан ўзлашган бўлиб, барчаси *Йама-Ража* – яъни, подшоҳ *Йамага* бориб тақалади”<sup>9</sup>. Демак, мифологик афсоналарда Жамшид номининг эгизак, ёруғлик, худо ёки подшоҳ маъносига қўлланилиши “Жам”, “Шид”, “Йима”, “Яма” сўзининг турли тиллардаги этимологик маъносига ҳам боғлиқ бўлган. Анъанавий Жамшидга хос сифатлар, у билан боғлиқ таърифу тавсифларнинг кенг ёйилиши қаҳрамон номининг турли тиллардаги этимологик маъносидан келиб чиққан.

“Авесто”да Жамшид ҳақидаги лавҳалар турли ўринларда тарқоқ ҳолда келтирилади. Китобда унинг дастлаб беҳисоб йилқи ва сурувлар соҳиби бўлганлиги, кейинчалик подшоҳлик фаолиятини юритиши, ҳукмронлик даврида турли кашфиётларга асос солгани ва фожиали ҳалокати қайд этилган<sup>10</sup>. “Авесто”даги Жамшид образи билан боғлиқ маълумотлар қуидагича таснифланди:

1. **Жамшиднинг тугилиши билан боғлиқ лавҳалар.** “Авесто”нинг “Ясна” қисмida Зардушт ва ўлимни узоқлаштирувчи Ашаван Ҳум ўртасидаги савол-жавоб берилган. Унда Ашаван Ҳум одамлар орасида биринчи бўлиб Жамшиднинг

<sup>7</sup> Рак И. Мифы Древнего и ранне средневекового Ирана. – Москва: Летний сад, 1998. – С. 157.

<sup>8</sup> Абулқосим И. “Шохнома”да Кайхусрав афсонаси // Сино. – Тошкент, 2011. – № 41-42. – Б. 6.

<sup>9</sup> Лобанкова И.П. Опыт реконструкции культуры протогорода: на примере историко-археологического памятника Аркаим: дисс.канд. культ. н. – Екатеринбург, 2009. – С. 58.

<sup>10</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. Таржимон: А.Махкам. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 14.

## **МУНДАРИЖА**

<b>МУҚАДДИМА.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ЖАМШИД ОБРАЗИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АДАБИЙ-ЭСТЕТИК ОМИЛЛАР</b>	
Жамшид образининг “Авесто” ҳамда қадимги мифлардаги талқини.....	5
Тарихий ҳамда бадиий асарларда Жамшид мавзусининг ёритилиши.....	22
<b>II БОБ. ЖАМШИД ОБРАЗИНИНГ ЎЗБЕК АДАБИЁТИДАГИ ИНЬИКОСИ</b>	
Ўзбек мумтоз шеъриятида Жамшид образи.....	51
Алишер Навоий “Хамса”сида Жамшид ва жоми Жам талқини.....	71
<b>III БОБ. “ҚИССАИ ЖАМШИД” ВА ҚИССАДАГИ ЖАМШИД ОБРАЗИ</b>	
“Қиссаи Жамшид”нинг ёзма ва оғзаки манбалари ҳақида.....	84
Қиссадаги Жамшид образи талқинида анъана ва ўзига хослик.....	97
“Қиссаи Жамшид” асарининг поэтик хусусиятлари.....	118
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>130</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>135</b>

**Жабборова Матлуба Рустамовна**

**ХАЛҚ ҚИССАЛАРИДА АНЪАНА  
ВА ЎЗИГА ХОСЛИК**  
*халқ китоби “Қиссаи Жамиид” мисолида*

***Монография***

**Тошкент - “Innovatsiya-Ziyo” – 2020**

*Мұхаррір Холсаидов Ф.Б.*

*Нашириёт лицензияси AI № 023, 27.10.2018.  
Босишига 5.12.2020 да рухсат этилди. Бичими 60x84.  
“Times New Roman” гарнитураси.  
Офсет босма усулида босилди.  
Шартлы босма табоги 10. Нашр босма табоги 9,2.  
Адади 160 нұсха.*

- “Innovatsiya-Ziyo” МЧЖ матбая бүліміда чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 6-уй.